

AGRO

IQTISODIYOT

MAXCVC COH
2019



1	Ш.Р.ИСМОИЛОВ. Фермер, деҳдон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишнинг ташкилий масалалари.	160
2	А.Ф.АШУРОВ. Особенности использование приусадебных земельных участков в Республике Узбекистан	162
3	Ж.А.КУБАЕВ, М.О.АБДУРАХИМОВА. Қишлоқ хўжалигидаги ислохатларнинг ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсири	165
4	Ю.УСМАНОВ. Ҳолати бузилган суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларини тиклаш.	167
5	В.KHUDAYAROV, F.TURAEV. Simulation of wing oscillations of agricultural aircraft.	170
6	Х.Ж.ҲАЙИТОВ. Замонавий геодезик технологияларни қўллашнинг аҳамияти.	176
7	ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ	
8	Ш.М.МУЗАФАРОВ, О.Г.КИЛИЧОВ. Результаты поисковых исследований по обогащению угля в однородных электрических полях при питании импульсным напряжением.	179
9	А.Г.БАБАЕВ, Ш.М.МУЗАФАРОВ, Л.БАТЫРОВА. Проблемы и внедрение инновационных технологий в сфере подготовки питьевой воды.	180
10	Н.Т.ТОШПЎЛАТОВ. Экин майдонларидаги озуқа ва сувни электр технологияси ёрдамида ошириш.	183
11	А.Д.РАҲМАТОВ. Мева сақлаш омборлари ҳавосини ионлаштириш қурилмасининг иқтисодий самарадорлиги.	185
12	Д.Б.ҚОДИРОВ, Н.АБДУГАНИЕВ, Н.ШОЙДУЛОВ. Реактив қувватни қоплаш орқали энергия тежамкорликка эришиш йўллари.	188
13	Д.Б.ҚОДИРОВ, М.Ю.ХАКИМОВ, С.ПАРПИЕВА. Микро ГЭС сув чархпалагининг виртуал моделини ишлаб чиқиш.	190
14	А.Г.БАБАЕВ, Л.АБАТЫРОВА. Анализ существующей агротехники применение озона в сельском хозяйстве.	192
15	Ш.М.МУЗАФАРОВ, В.Е.БАЛИЦКИЙ, Б.ТОГАЕВ. Экономическая эффективность использования электрофильтров для очистки отработанного в технологических процессах воздуха.	195
16	А.Т.САНБЕТОВА. Обоснование рабочего органа обеззараживания воды.	197
17	А.К. DAVIROV. Qishloq xo'jalik elektr tizimlarini barqarorlashgan xolatining mavjudlik mezonlari.	199
18	С.Р. НАМОЗОВ, М.А.ОТАБЕКОВ. Авария режимларида тармоқларни автоматик секциялаш ва бошқаришни автоматлаштириш.	202
19	СУВ ХЎЖАЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ	
20	Г.ШАДМАНОВА, Х.Х.КАРИМОВА. Моделирование оптимального варианта развития сельскохозяйственного производства.	204
21	Х.А.БАХРЕТДИНОВА. Приоритеты экологического менеджмента Узбекистана.	206
22	Х.БАХРЕТДИНОВА. Общие возможности и преимущества экологического менеджмента для Республики Узбекистан.	207
23	У.Р.САНГИРОВА. Инновационный подход в развитии аквакультуры и рыболовства в Узбекистане.	209
24	Б.Х.ШАФКАРОВ, Б.М.ДЖУРАЕВ, Н.Р.РАХМОНОВ. Аграр сектор корхоналарида хусусий капитални шакллантириш ҳисобининг айрим жиҳатлари.	212
25	Б.Х.ШАФКАРОВ, Б.М.ДЖУРАЕВ, Н.Р.РАХМОНОВ. Хусусий капитал назарияси ва унинг ривожланиш босқичлари.	213
26	А.М. БАБАДЖАНОВ, Ф.Х. ШАФКАРОВ. Аграр соҳани илмий салоҳияти ва вилоятлар илмий таъминоти.	215
27	З.С.АБДУЛЛАЕВ, Д. Х.КЕНДЖАЕВА, Онлайн-курсы как инновационная форма дистанционного обучения.	217
28	У.Қ. АХМЕДОВ. Уй хўжалиги тушунчасининг ижтимоий – иқтисодий моҳияти ва унинг оила билан ўзвий боғлиқлиги.	219
29	А.МАКСУМХАНОВА. Сувдан самарали фойдаланишни мувофиқлаштиришнинг асосий жиҳатлари.	221
30	S.S.MIRZAEV, A.NAMOZOV. O'zbekistonda davlat-xususiy sherikchilik munosabatlarini rivojlantirish istiqbollari.	223
31	К.К.НУМАНОВ. Повышение конкурентоспособности экономики Республики Узбекистан в условиях глобализации.	226
32	Ш.А.АЙНАКУЛОВ, Ш.К.ЗИЯЕВА. Онлайн-обучение в высшем учебном заведении.	227
33	С.Н.АБДУРАХМОНОВ, Н.Т.МИРЖАЛОЛОВ, З.З.АБДУРАХМОНОВ. Маълумотлар базасига демографик маълумотларни интеграциялашда инновацион гат ва картографик методлардан фойдаланиш.	229
34	М.Т.САЙРОВА, М.А.АЗИЗОВА. Chet tili darslarida innovatsion texnologiyalarni qo'llash.	231
35	Ф.ШАФКАРОВ. Давлат-хусусий шериклик асосида агротехник сервис хизматларини ташкил этиш.	232
36	О.Б.САТТОРОВ. Интенсив боғдорчиликни ривожлантиришнинг зарурати ва иқтисодий асослари.	234
37	С.А.ДУСТНАЗАРОВА. Приаралье – зона экологических инноваций.	236
38	Б.О.РАХМАНКУЛОВА, Д.П.САПАРОВА. Особенности развития информационно-консультационной службы в сельском хозяйстве в условиях глобализации экономики.	238
39	К.Э.КУВЯШЕВ. Олий таълимда электрон таълим муҳитидан фойдаланиш асослари.	240
40	В.О.РАКНМАНКУЛОВА, Д.Р.САПАРОВА. Features of the development of information and advisory services in agriculture in a globalized economy.	242
41	Н.М. АБДУРАЗАКОВА, Ж.КУЧАРОВ. Реформирование аграрного сектора как важнейший фактор экономического роста Узбекистана.	244

Оценивая достоинства СМИ при использовании массовых методов в деятельности ИКС, необходимо подчеркнуть, что они:

- способствуют распространению знаний;
- приводят к формированию взглядов фермеров
- ускоряют инновационный процесс;
- способствуют усилению межличностного общения;
- укрепляют связи работников ИКС и науки.

Выводы: Можно сделать вывод, что если фермер не увидит реальные результаты (например, применения удобрений нового сорта, породы скота, вида кормов)

до его сознания не дойдет полностью совет или консультация специалиста ИКС. Хорошая демонстрация непосредственно в поле, на ферме, приближенная к конкретным условиям, является неоченимым методом в работе ИКС. Сила этого метода заключается в простоте его воздействия и в возможности представить конкретно достигнутые результаты. Полевые опыты и демонстрация результатов – идеальный способ пробудить доверие фермеров к научно-обоснованным методам хозяйствования.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Мирзиёев Ш.М. “Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах”, Постановление ПФ–4947, 7.02.2017.
2. Абдуллаев А., Айбешов Х. Фермер хужалиги иктисоди – Т.: Aloqachi, 2008.
3. Чибисова И. С. Применение информационных технологий в сельском хозяйстве России. // Эпоха науки № 13 – Март 2018 г. Технические науки
4. Хамидов В.С., Абдуллаев З.С., Исмоилов Қ. А. Электрон таълим муҳитида касбий компетентлики такомиллаштириш (монография)

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДАН ФОЙДАЛАНИШ АСОСЛАРИ К.Э.КУВЯШЕВ, асс., ТИҚҲММИ

Аннотация: Ушбу илмий мақолада ҳозирги вақтда ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига қўлланилишининг аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Электрон таълимни жорий этиш мақсади, вазибалари ва роли белгиланган. Электрон таълимни ўқув жараёнида қўллашда педагогларнинг компетентлик даражасига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: тизим, ахборот тизими, автоматлаштирилган ахборот тизими, ахборотлар базаси, прогноз, ирригация ва мелiorация, инновация, инновацион таълим технологиялари, офлайн, онлайн.

В настоящее время данная научная статья имеет важное значение для применения в образовательном процессе информационно-коммуникационных технологий. Определены цели, задачи и роль внедрения электронного обучения. При использовании электронного образования в учебном процессе основное внимание уделяется уровню компетентности педагогов.

Annotation: This scientific article shows the importance of information and communication technologies, its application to the educational process at the present time. The purpose, objectives and role of the introduction of e-learning is defined. In the application of e-learning in the educational process, attention is paid to the level of competence of teachers.

Keywords: System, information system, automated information system, data base, prognosis, irrigation and melioration, innovation, inovasion educational technology, offline, online.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Грахбарияти томонидан жамиятни ахборотлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодий ва ижтимоий муҳитга, хусусан, таълим тизимига кенг татбиқ этиш билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жадал ривожланишда давом этаётган тараққиёт миллий таълим тизимига ва унинг сифатига тобора қатъий мезон ва талабларни ўрнатиб келмоқда. Замон талаблари билан ҳамнафас ҳолда қадам ташлаб бориш кўп жиҳатдан АКТ имкониятларидан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Электрон таълимни ривожлантириш, бу борадаги энг муҳим жиҳатлардан бири саналади. Замонавий ахборотлашган жамият педагог кадрлар тайёрлаш сифатига алоҳида талаблар қўяди. Замонавий педагог кадрлардан интернетнинг ахборот ресурсларидан мақсадли фойдалана олиш, мустақил билимларни олишлари жараёнида ахборот ва коммуникация технологиялари воситалари имкониятларини жорий этиши талаб этилади.

Бугунги кунда электрон таълим жадал ривожланувчи соҳа ҳисобланади, унинг ривожланиши 1980 йилларданок (масофадан ўқитиш ва телевизион курслар шаклида) бошланган [1]. Технология тараққиётининг изчил ривожини, таълим жараёнида масофадаги фарқни тамомила сезмаслик, талаба ёки тингловчини худди аудитория ичида ҳис қиладиган даражага етказди. Электрон таълим бир

вақтнинг ўзида аудио, видео, слайд-шоу, Word ва PDF ҳужжатлари кўринишидаги ва турли форматдаги материаллар билан яқиндан танишиш имконини беради. Чат ва форумлар орқали вебинарларни ўтказиш ва ўқитувчилар билан мулоқотда бўлиш фойдаланувчиларнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориш имкониятлари амалга оширилади. Таълим олиш ва малака оширишда “e-Learning” тизимлар (ўқитишни бошқариш тизими ёки LMS сифатида) ва “on-line” курслар етказа олиш имконига эга бўлган методлари мавжуд. Дастаклар ёрдамида “on-line” курсларни ва автоматик адаптив тестларни яратиш учун материаллар тўплами каби турли жараёнлар автоматлаштирилган бўлиши мумкин. Электрон таълим ундан фойдаланувчилар узлуксиз таълимни одатий, кундалик ҳаёт тарзига айлантириш имконини берадиган қулай ва иқтисодий самарадорлиги юқори (кўп ҳолларда бепул) ечим ҳисобланади. Электрон таълим, ҳаттоки, иш билан банд бўлганларга ҳам кейинги фаолиятларини ривожлантириш ва янги малакаларни ҳосил қилиш имконини беради [2].

Таълим соҳасидаги муҳим ўзгаришлар интернет пайдо бўлиши ва унинг ҳаётимизга изчил тарзда кириб келиши билан содир бўлди. Технологик тараққиётнинг муҳим ютуқларидан бири саналувчи смартфонлар (ақлли телефонлар)дан фойдаланишни, матнли хабарларни жўнатишни ва интернетдан фойдаланишни деярли ҳамма яхши билади, шунинг

учун “on line” курсларда иштирок этиш ва ишлаш оддий ҳолат ҳисобланади. Эълонлар тахтаси, ижтимоий тармоқ ва коммуникация интернетнинг бошқа турли воситалари фойдаланувчиларга “on-line” курсларда бўлиш ва ўрганилаётган курсга боғлиқ бўлган масалаларни умумийлик ҳиссини таъминлаган ҳолда, муҳожама қилиш имконини беради.

Электрон таълим ва ахборот технологияларини жорий этиш қуйдагиларни мақсад қилади: ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаш; тескари алоқа орқали ўқув фаолиятининг назоратини олиб бориш; ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаб бориш; ўқув материалини ўзлаштириш жараёнида машқ қилиш ва мустақил тайёргарликни ташкил этиш; ўқув жараёни вақтини тежаб қолиш; ўқув ахборотларни АКТ воситалари орқали визуаллаштириш; фикрлашни, креативликни ривожлантириш ва б. [3].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” деб номланган маърузасида таълим ва илм-фан, ёшларга оид сиёсатни амалга оширишнинг қуйидаги вазифаларини белгилаб бердилар [4]:

1. Биринчи вазифа – мактабгача таълим соҳаси. Ушбу соҳа болаларини қамраб олиш 27%ни ташкил этади, шунингдек тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқув режа ва дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

2. Иккинчи вазифа – умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртлиридаги ўқитиш сифати билан боғлиқ. Замонавий ўқув режа ва услубларини жорий этиш талаб даражасида эмас. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолат масалалари ва ҳақиқий қадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол қўмак берадиган муҳитни яратиш зарур.

3. Учинчи вазифа – таълим муассасаларини, энг аввало, касб-ҳунар коллежларини оқилона жойлаштиришни, шунингдек, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳар бир ҳудуднинг зарур мутахассисларга бўлган талабини тўғри аниқлашни танқидий таҳлил қилишдир.

4. Тўртинчи вазифа – нафақат академик илм фанни, балки олий ўқув юртлиридаги илм-фанни янада ривожлантириш.

5. Бешинчи вазифа – китобларни чоғ этиш ва тарқатишдаги муаммоларни ҳал қилишдир.

Хукуматимиз томонидан таълим тизимини янада ривожлантириш борасида қабул қилган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури” соҳада янги даврни бошлаб берди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги аксарият умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, олий таълим муассасалари, маърифат масканлари Ziyonet жамоат таълим ахборот тармоғига уланган. Дарс ва ўқув машғулотлари давомида илғор мультимедиа технологиялари кенг қўлланилмоқда [5].

Умумий ўрта таълим муассасаларида “Ўқувчининг электрон кундалиги” ва “Ўзбекистонда электрон китоб – “Jet Book”лардан фойдаланиш” лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилаётгани таълим сифати ва самарадорлигини юксалтириш, ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва билим

даражасини доимий таҳлил этиш имконини беради.

Электрон таълим муҳитининг таълим сифатини оширишдаги ролини тўғри англаган ҳолда, давлатимиз томонидан унинг техник-технологик таъминоти борасида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда

ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегиясида ҳам бунга алоҳида ўрин берилган. Техника технология катта тезликда ривожланмоқда. Глобаллашув билан бир қаторда, ахборот ва гоявий хуружлар шакли ва кўринишлари кўпаймоқда. Шу билан бирга, миллий ўзлик, миллий менталитет ва ўзига хослик жиҳатларини таълим ва тарбиянинг ажралмас таркибий қисми сифатида намоён бўлиши ҳам зарурдир. Чунки, айнан шу омиллар мафкуравий иммунитетнинг айрим жиҳатларини ўзида ифода этади [6]. Давр ёш авлод тарбиясида мазкур жиҳатларнинг барчасини эътиборга олишни тақозо этмоқда. Шундай экан, мамлакатимиздаги таълим тизими кейинги йилларда ҳам доимо замон талабларига мос равишда тараққий этиб боравериши зарур ҳолатдир. Зеро, биз таълим тизимини ривожлантирар эканмиз келажақдаги жамиятимизни энг олий қадриятлар ва халқимиз истаклари йўлида тараққий этишини таъминлаймиз. Қолаверса, дунё тараққиёти ҳам бир жойда тўхтаб қолмайди. Шунинг учун таълим тизимини доимо ислоҳ этиш, ўқитиш усул ва воситаларини такомиллаштириш, таълим мазмунини бойитиш бугунги куннинг муҳим талабидир. Бу эса ўз ўрнида замонавий педагог-кадрларни тайёрлаш жараёнига ва уларнинг малакасига бўлган талабларни кўчатиришни талаб этади. Кадрлар тайёрлаш соҳасида ишлайдиган профессор-ўқитувчилар электрон таълим муҳитидаги компетентлигини ошириш борасида қўйилган қуйидаги ишларни алоҳида таъкидлаш лозим, деб ҳисоблаймиз:

1. Таълим сифатини ошириш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникацион технологиялардан, хорижий тиллардан ва бошқа махсус фанлардан профессионал билим даражаси ва тажрибасини узлуксиз ошириб бориш.

2. Илғор хорижий университетларнинг электрон таълимни ривожлантириш борасидаги тажрибасини доимий ўрганиб бориш, тажрибаларини ўрганиш асосида фанлар бўйича замонавий ўқув режа, фан дастурлари ва уларга мос ўқув-услубий мажмуалар тайёрлаш.

3. Ўқитилаётган мутахассислик фанларидан ташкил этилган “on-line” курсларини қиёсий таҳлилини амалга ошириш ва талабаларни улар билан таништириб бориш.

4. Таълим жараёнини АКТ ёрдамида такомиллаштириш, бу нафақат назарий билимларни, балки амалий билимларни чуқурлаштириш орқали, амалий кўникма, усул ва услубларни ҳамда компетенция, лойиҳалар ва грантларда ишлаш олиш қобилияти, гуруҳ бўлиб ишлаш кўникмаси, лидерлик сифатларини шакллантириш [7]. Мутахассислигини чуқур биладиган, муаммоларни ҳал қилишга қодир, чет тилини пухта ўзлаштирган, махсус компьютер дастурларини қўллай оладиган, юксак маънавиятли комил инсонни тарбиялаб етиштириш.

Айни пайтда талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг мустақил тарзда таълим олиши учун Moodle тизимининг имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Электрон таълим олиш бир қатор устунликларга эга: таълимнинг барча учун очиқлиги,

материалларни ўзлаштириш суръатларини мустақил белгилаш, индивидуал таълим траекториясини қуриш имконияти, таълим берувчи педагогнинг индивидуал маслаҳатларини олиш имконияти, телеконференциялар ташкил этиш ва тематик вебинарлар, гуруҳий мунозаралар, гуруҳий лойиҳалар қатнашиш имконияти ва бонқалар.

Электрон таълимни ўқув жараёнида қўллаш педагогларнинг юқори даражадаги малакаси, яъни таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда зарур ҳисобланган электрон таълим муҳитида ишлаш олиш компетенцияси, фан доирасидаги компетенцияси, талабалар ва бошқа таълим олувчиларни ўқитиш учун зарур ҳисобланган бошқа компетенциялар ва электрон таълим беришнинг технологияларини қўллаш компетенцияларига мукамал тарздаэга бўлинганда энг юқори самарани беради [8].

Ҳукуматимиз томонидан АКТларнинг таълим сифатини оширишдаги ролини чуқур англаган ҳолда бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шулардан

бири “ZiyoNET” ахборот тармоғини янада ривожлантириш ҳақида қарор қабул қилинганлиги. Айни пайтда, “ZiyoNET” жамоат ахборот таълим тармоғида турли типдаги матнли электрон-илмий ресурслар (маъруза конспектлари, ўқув-услубий қўлланмалар, рефератлар, битирув ишлари, мақолалар ва ҳоказолар) мавжуд.

Мамлакатимиздаги барча ОТМларда мустақил таълимни амалга оширишга қаратилган электрон ўқитиш тизими жорий этилган. Тизимни яратишда таълим олувчиларни қабул қилишнинг очиқлиги; таълимни очиқ режалаштириш, яъни тегишли ўқув режаси ҳамда таълим йўналиши доирасида таълимнинг индивидуал траекториясини танлашдаги эркинлик; таълим вақти ҳамда тезлигини танлашдаги эркинлик; таълим жойини танлашдаги эркинлик; таълим ресурсларининг кўп сатҳлилиги, уларнинг етакчи профессор-ўқитувчилар илмий ва касбий салоҳиятини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилишига эътибор қаратилган.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бегимқулов У.Ш. Замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогик таълимни ташкил этиш. // “Педагогик таълим” жур, № 1, 2004.
2. Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Педагогика фанлари докторлик дисс. – Т., 2007.
3. Вафоев Б.Р., Ибрагимова С.Б. Ахборот тизимлари ва технологиялари. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: ЎЗДЖТИ, 2015.
4. Мирсолиева М.М. “ОТМда ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш”. Моул. Т.: БИММ, 2015.
5. Хамидов В.С. Методы и модели веб ориентированных адаптивных обучающих систем/LAP LAMBERT Academic Publishing, Germany.
6. Хамидов В.С. Талим тизимида кескин бурилишга сабаб бўлган 4 дастур ҳақида. <http://uz.infocom.uz/2009/12/21/talim-tizimida-keskin-burilishga-sabab-bolgan-4-dastur-haqida>.
7. Хамидов В.С., Абдуллаев З.С., Сирождидинов К.И., Умархонов Н.И., Исмоилов Қ.А., Турсунбоев Ҳ.Е. Электрон таълим муҳитида касбий компетентликни такомиллаштириш. Монография. Тошкент. 2018.
8. Ҳамдамов Р.Х. Масофадан ўқитиш тизимларини яратишдаги юзага келадиган муаммолар ҳақида. «Фан ва таълимда ахборот-коммуникация технологиялари». Республика илмий-техник конференциясининг материаллари. Тошкент. 6-7 апрел 2006 й.

УДК:378.3:371.3

FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF INFORMATION AND ADVISORY SERVICES IN AGRICULTURE IN A GLOBALIZED ECONOMY

Barna RAKHMANKULOVA, dotsent, Dilnoza SAPAROVA, student

of Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers, Uzbekistan

Annotation. This article discusses the use of information and consulting services in the agricultural sector, which it will help to obtain timely information, properly use them for the effective operation of farms.

Keywords: information, agricultural production, subject, agroservice, Information and advisory service.

Introduction. In recent years, agricultural production has been developing at an accelerated pace. Of paramount importance are the information and consulting services of a scientific and technical nature. Information is becoming an immediate productive force. Information infrastructure, as an economic category, should take the path of sustainable and focused development, becoming one of the elements in the reproductive process of agricultural production.

Main part. In Uzbekistan, agricultural production is developing at an accelerated pace, its knowledge-intensiveness is growing, the process of division of labor is deepening, and it becomes obvious that the achievement of the intended results depends on an ever-increasing number of elements. Among them, information and consulting services, especially a scientific and technical nature, are of paramount importance. Information is becoming an immediate productive force. Information infrastructure, as an economic

category, from spontaneous development should take the path of sustainable and focused development, becoming one of the elements in the reproductive process of agricultural production.

In the modern reproduction process, relations are built according to the type of relations between the subject (seller) – product – money – subject (consumer) and between the main subjects of market relations production factors, goods and money constantly move. The main participants in this circular process are: 1) consumers of agricultural products and raw materials; 2) organizations providing various services to participants in the reproduction process in the agricultural sector; 3) the state with its administrative institutions. In such a stream, the economic functioning of the reproduction process in the agricultural sector is presented as direct and feedback of four sectors – consumers, enterprises, the state and infrastructure, which combines the flows of production resources, goods and money into a whole.